



## ARTICLE INFO

Received: 03<sup>rd</sup> November 2022

Accepted: 13<sup>th</sup> November 2022

Online: 15<sup>th</sup> November 2022

## KEY WORDS

Жиноят объекти, ҳарбий-ҳуқуқий тартибот, ижтимоий муносабатлар, мудофаа манфаатлари, ҳарбий хавфсизлик, миллий хавфсизлик, умумий объект, бевосита объект

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 125-моддасида “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини химоя қилиш учун тузилади” деб белгиланган [1]. Ҳарбий хизматнинг мақсади мамлакатнинг ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш, давлат суверенитетини муҳофаза қилиш, ташқи ва ички агрессиядан ҳимоялаш, ички тартибни таъминлаш ҳамда шу орқали миллий хавфсизликни зарур даражада таъминлашдан иборат. Бироқ, ҳарбий хизматни ўташда бенуқсон интизом, қатъий тартиб-қоида ва самарали ҳуқуқий таъсир чораларисиз юқоридаги вазифаларни бажариш имкони йўқ. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган жиноий-

## ОБЪЕКТ - ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ТАРКИБИЙ ЭЛЕМЕНТИ СИФАТИДА

Юсупов Нодирбек Омонович

Ўзбекистон Республикаси

Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиси, мустақил изланувчи

[yunusovtimur160@gmail.com](mailto:yunusovtimur160@gmail.com).

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7325761>

## ABSTRACT

Мақолада ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларнинг объектига доир илмий ва назарий қарашлар таҳлили амалга оширилади, шу тоифадаги жиноятлар объектининг доираси, масалага оид қонунчиликдаги айрим муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисида сўз юритилади.

ҳуқуқий нормалар шундай таъсир чораларидан бўлиб ҳисобланади. Қуйида биз мазкур тоифадаги жиноятларнинг объектига урғу беришни лозим топдик.

Романо-герман ҳуқуқ оиласи тизимида жиноятларнинг объекти бошқа ички белгилар орасида ҳал қилувчи аҳамиятга касб этади. МДҲ мамлакатлари жиноят қонунчилигида ҳам шундай тенденция устувор ўринга эга. Минтақа мамлакатларида ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар таҳдид объектига кўра ўхшаш таснифланган бўлсада, уларнинг умумий номланиши бўйича ягона ёндашув мавжуд эмас. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси ЖКдаги ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар тизими Озарбайжон ва Тожикистон ЖКда ҳарбий хизматга қарши жиноятлар [2], Молдова ЖКда



ҳарбий жиноятлар [3], Беларусия ЖКда алтернатив хизматга юбориш ва ўташ, ҳарбий мажбуриятларни бажариш тартибига қарши жиноятлар [4], Қозоғистон ЖКда ҳарбий жиноий ҳуқуқбузарликлар [5], Украина ЖКда ҳарбий хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши жиноятлар [6] тарзида ифодаланади.

МДХ мамлакатлари ЖК ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар тизимида бўйсунув ва ҳарбий шаънга риоя этиш тартиби (баъзи МДХ мамлакатларида ўзаро муносабатларнинг низомга оид қоидалари)га қарши, ҳарбий хизматнинг ўташ тартиби (баъзи МДХ мамлакатларида ҳарбий хизматнинг умумий ва махсус турларини ўташ тартиби)га қарши, ҳарбий техникадан фойдаланиш ва бошқариш қоидаларини бузиш, ҳарбий мулкдан фойдаланиш (баъзи МДХ мамлакатларида ҳарбий мулкни сақлаш ёки ундан фойдаланиш) тартибига қарши ҳамда ҳарбий мансабдорлик жиноятларининг мавжудлиги уларнинг умумий жиҳати бўлиб ҳисобланади.

Умуман олганда, жиноят ҳуқуқи назариясидаги энг кенг тарқалган ёндошувга кўра, жиноят объекти деганда жиноятлар натижасида зарар етказиладиган ижтимоий муносабатлар тушунилади [7]. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларнинг объекти эса ҳарбий-ҳуқуқий тартибот ёхуд ҳарбий муносабатлар тарзида идофа этилади. Шу билан бирга, бу масалада бошқача тўхтама келган баъзи олимлар борки, улар ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш назаримизда, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Хусусан, С.М. Мальков ҳарбий хизматни ўташ тартибини ҳуқуқий нормалар таъсири натижасида шаклланадиган, ҳарбий хизматчилар томонидан ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ ўзаро муносабатларнинг ҳолати сифатида таърифлайди [8]. Муаллиф билан келишиш мумкин, гарчи у қисқа бўлсада, бундай тушунча амалдаги миллий ҳарбий қонунчиликка зид эмас. Қолаверса, бу қарашнинг асосида ҳам ижтимоий муносабатларга асосий урғу берилган.

Бошқа алоҳида олимлар ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар объекти деганда муайян манфаатлар ҳам назарда тутилиши зарурлиги ҳақидаги ёндашувларга таянадилар. Уларга кўра, ҳар қандай жиноятнинг объекти деганда манфаат ва (ёки) фойда тушунилиши керак. Масалан, Е.В. Благоев кўриб чиқиладиган жиноятлар ҳарбий хизмат манфаатларига тажовуз қилади деб ҳисоблайди [9]. Ўз навбатида В.И. Плохова мазкур жиноятлар мамлакат мудофаа манфаатларига тажовуз қилади деб ҳисоблайди [10]. В.Е. Суденко ҳам шундай фикрни маъқуллайди [11]. С.А. Соколов эса бу турдаги жиноятларнинг объектини давлатнинг ҳарбий соҳадаги миллий хавфсизлик манфаатлари деган хулосага келади [12].

Н.В. Вишнякова манфаатни инсон ҳуқ-атворининг ташқи ифодаси ёки ижтимоий муносабатни ифодалаш ва амалга оширишнинг шакли сифатида изоҳлайди. Манфаат қайсидир ижтимоий муносабатнинг таркибий қисми ҳисобланади ва ўз-ўзича мавжуд



бўлолмади. Ижтимоий муносабатсиз манфаат ўз аҳамиятини йўқотади, уни ҳаётга татбиқ этиб бўлмайди [13]. Бизнингча манфаат (масалан, давлатнинг ҳарбий соҳадаги миллий ёки мудофаа хавфсизлиги манфаатлари)ни объект тариқасида ифодалаш тегишли жиноятлар объектининг кенгайишига ва ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар тизимида бошқа элементлар, хусусан ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш (ЖК 225-м.) каби нормаларни киритилишига олиб келади.

Баъзи олимлар томонидан ҳарбий-жиноий ҳуқуқда ҳар қандай жиноятнинг объектини шахс, жамият ва давлат хавфсизлиги ҳамда уларнинг муҳофазаланганлик ҳолатини ўзида мужассамлаштирган миллий хавфсизлик деб тушунишга оид таклифлар берилади. Бундай ёндашув А.А. Тер-Акопов томонидан таклиф қилинган ва О.К. Зателепин томонидан ривожлантирилган. Унга асосан, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларнинг объекти деганда ҳарбий хавфсизликни, бошқача айтганда “давлатнинг ҳарбий ташкилоти томонидан қуролли ҳимояга тайёргарлик кўриш ёхуд бевосита қуролли ҳимоя орқали таъминладиган конституцион тузум, мустақиллик, давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетини ички ва ташқи ҳарбий хавфлардан муҳофазаланганлик ҳолати”ни тушуниш керак [14]. Р.М. Агишев, А.Е. Волков, Я.Н. Ермолович, В.А. Жарких, И.И. Исраилов, Н.А. Климентьева, Н.А. Шулёповлар ҳам ушбу ёндашувни маъқуллайдилар [15].

Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар давлатнинг ҳарбий хавфсизлигига зарар етказиши масаласида муаллифлар билан келишиш мумкин. Бироқ, объектни “ҳарбий хавфсизлик” деб белгилаш ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар тушунчасининг кенгайиб кетишига ва атаманинг аниқланаётган тартибга солиш доираси билан тенглигини таъминловчи мантиқий мутаносиблик тамойилини бузилишига олиб келади.

Гарчи мамлакатимизда маҳаллий олимлар томонидан жиноят объекти юзасидан илмий тадқиқотлар етарлича бўлсада, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар, шу жумладан, унинг объекти масаласида олиб борилган изланишлар у қадар кўп эмас. Хусусан, М.Х. Рустамбаевнинг фикрича, ушбу тоифадаги жиноятларнинг бевосита объекти ҳарбий хизмат ўташнинг ўрнатилган тартибини таъминловчи, яъни шахсларнинг ҳарбий хизмат ўташ чоғидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида қонунчилик, умумҳарбий низомлар, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрнатилган тартибда амалга ошириш бўйича ҳарбий хизматдаги ҳуқуқий муносабатларни ташкил этишни тартибга солиш билан боғлиқ муносабатлардир. [16] Т.Қ. Мирзаевнинг фикрича кўриб чиқилаётган жиноятларнинг турдош объекти ҳарбий хизматни ўташ тартибидир [17].

Фикримизча, сўз бораётган жиноятларнинг умумий объектини **ҳарбий хизматни ўташ ва ҳарбий хизмат вазифаларини бажаришда**



**юзага келадиган ижтимоий муносабатлар ҳамда ҳарбий-ҳуқуқий тартибот** тарзида идофаланиши тўғри бўлади. Давлат мудофааси ва хавфсизлиги ҳарбий хизматнинг муҳим ҳаётий вазифаларидан бири бўлсада, юқорида таъкидлаганимиздек, уни объект сифатида эътироф этиш амалдаги объектнинг маъно юкломаси ортишига ва кенгайишига олиб келади. Биз томондан таклиф этилаётган объект ўрганилаётган жиноятларнинг улар содир этиладиган ҳарбий хизмат муҳити билан ўзаро алоқасини кўрсатиб беради, шунингдек ҳуқуқни қўлловчи учун тушунарли бўлиб, кенгайтириб ёки чекланган тарзда шарҳлаш имкониятига барҳам беради. Шу кўринишдаги объект ҳарбий хусусиятга эга тизимли ва кенг спектрдаги конституцион тузум, мустақиллик, давлатнинг ҳудудий яхлитлиги, суверенитети, мудофаа қобилияти, миллий хавфсизлик, ҳарбий интизом каби тегишли ижтимоий муносабатлар билан бевосита боғлиқликни акс эттиради.

Шундай қилиб, сўз юритилган жиноят объектининг жиноятлар таснифидаги бирламчи ўрни МДХ мамлакатлари қонунчилиги учун хос амалиёт ҳисобланади. Жиноят ҳуқуқи назариясида энг тарқалган асосий қарашларни ўрганиб чиқиш натижасидан келиб чиқиб, тажовузнинг объектига кўра таснифлаш жиноят қонунчилиги, хусусан ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар учун устувор ёндашув эканлигини кўришимиз мумкин. Тадқиқ этилаётган жиноятлар тизимининг объекти ҳарбий хизматни ўташ тартиби бўлиб, уларни муайян гуруҳларга ажратишда уларнинг ҳар бирини алоҳида ажралиб турадиган, ўзаро кесишмайдиган ва яхлит чегараларини инобатга олиш зарур. Демак, ЖКнинг VII бўлимида қайд этилган жиноятларнинг умумий объектини тегишли ижтимоий муносабатлар тарзида, бевосита объектини ҳарбий хизматни ўташ давомида юзага келадиган ижтимоий муносабатларнинг алоҳида элементлари сифатида тушуниш мумкин.

## References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, <https://lex.uz/docs/20596>
2. Уголовный кодекс Азербайджанской Республики от 30 декабря 1999 года № 787-IQ, Раздел XII. Преступления против военной службы; Уголовный Кодекс Республики Таджикистан от 21 мая 1998 года № 574, Раздел XIV. Преступления против военной службы; электрон манбага мурожаат санаси: 28.10.2022 й., <http://continent-online.com>
3. Уголовный кодекс Республики Молдова от 18 апреля 2002 года № 985-XV, Глава XVIII. Военские преступления; электрон манбага мурожаат санаси: 28.10.2022 й., <http://continent-online.com>
4. Уголовный Кодекс Республики Беларусь от 9 июля 1999 года № 275-3, Глава 37. Преступления против воинской службы; электрон манбага мурожаат санаси: 29.10.2022 й., [https://kodeksy-by.com/ugolovnyj\\_kodeks\\_rb.htm](https://kodeksy-by.com/ugolovnyj_kodeks_rb.htm)
5. Уголовный Кодекс Республики Казахстан от 3 июля 2014 года № 226-V ЗРК, Глава 18, Военские уголовные правонарушения; электрон манбага мурожаат санаси: 28.10.2022 й., [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=31575252](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575252)



6. Уголовный кодекс Украины от 5 апреля 2001 года № 2341-III, Раздел XIX. Уголовные преступления против установленного порядка несения военной службы (Воинские уголовные преступления) электрон манбага мурожаат санаси: 31.10.2022 й., [http://continent-online.com/Document/?doc\\_id=30418109#pos=8;-142](http://continent-online.com/Document/?doc_id=30418109#pos=8;-142)
7. Закомолдин Р.В. Ответственность за нарушение правил несения службы по охране общественного порядка и обеспечению общественной безопасности по уголовному законодательству России: дис. ... канд. юрид. наук. Самара, 2001. С. 19–23; Вишнякова Н.В. Объект и предмет преступлений против собственности: дис. ... канд. юрид. наук. Омск, 2003. С. 13.; М.Х. Рустамбоев Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм), Олий ўқув юртлари учун дарслик, Тошкент – “ILM ZIYO” – 2006, 141 б.
8. Мальков С.М. Содержание объекта преступления против военной службы и его значение для систематизации главы 33 Уголовного кодекса РФ // Современное право. 2017. № 8. С. 79.
9. Благоев Е.В. Преступления против государственной власти, военной службы, мира и безопасности государства: лекции. М., 2011. С. 87–88.
10. Плохова В.И. Системное толкование норм об уклонении от прохождения военной или альтернативной гражданской службы (ст. 328, 331, 337–339 УК РФ): монография. Барнаул, 2009. С. 37–38.
11. Суденко В.Е. Объект преступлений против военной службы // Право в Вооруженных Силах РФ. 2015. № 11. С. 72–73
12. Соколов С.А. Ответственность за преступления против военной службы: уголовно-правовое регулирование и криминологический аспект: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. М., 2002. С. 17.
13. Вишнякова Н.В. Объект и предмет преступлений против собственности: дис. ... канд. юрид. наук. Омск, 2003. С. 44.
14. Зателепин О.К., Кислицын М.К., Петухов Н.А. [и др.]. Военно-уголовное законодательство Российской Федерации. Специальный курс: учебное пособие. М., 2004. С. 67.
15. Агишев Р.М. Воинская преступность: криминологический и уголовно-правовой аспекты: дис. ... канд. юрид. наук. СПб, 2005. С. 33; Волков А.Е. Преступления против порядка подчиненности и воинских уставных взаимоотношений: уголовно-правовая и криминологическая характеристики: дис. ... канд. юрид. наук. Иваново, 2004. С. 53; Ермолович Я.Н. Теоретико- правовые основы военно-уголовной политики в Российской Федерации: монография. М., 2012. С. 15; Жарких В.А. Насильственные преступления против военной службы: дис. ... канд. юрид. наук. Краснодар, 2004. С. 62; Исраилов И.И. Преступления против порядка подчиненности и воинских уставных взаимоотношений: уголовно-правовой аспект: дис. ... канд. юрид. наук. М., 2011. С. 57; Климентьева Н.А. Юридическая ответственность как элемент правового статуса военнослужащих: вопросы теории и практики: дис. ... канд. юрид. наук. Саратов, 2003. С. 57–58; Шулепов Н.А. Правовые основания и формы реализации уголовной ответственности военнослужащих в Российской Федерации. М., 2001. С. 44–45; Шулепов Н.А. Теоретические основы реализации уголовной ответственности военнослужащих: дис. ... д-ра юрид. наук. М., 2001. С. 72–73, 244–246



16. Рустамбаев М.Х., Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар – Тошкент: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2021 й., 3-жилд, 631 в.
17. Мирзаев Т.Қ., Қобулов Р., Харбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар, Ўқув қўлланма, Тошкент, 2005. – 6 б.